



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil,
Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz

ҒОЗҒОН ШАҲРИ: КЕЧА, БУГУН ВА КЕЛАЖАК ИСТИҚБОЛИ

Рахматов Юсупжон Бабакулович

г.ф.н., доцент,

Навоий давлат педагогика институти

e-mail: yu_raxmatov_b@mail.ru

Собирова Муниса Тоир қизи

магистрант

Навоий давлат педагогика институти

e-mail: sobirovamunisa96@gmail.com

Аннотация: Мақолада Ғозғон шаҳрининг географик ўрни, табиати, ташкил топиши ва худуда олиб борилаётган инфратизимга эга саноат шаҳрига асос солиш, худудни комплекс ривожлантиришнинг яқин истиқболдаги режаларини ишлаб чиқиш.

Калит сўзлар: Мармар, Гранит, Темир, Дайка, Геологик разветка, Диабаз, Доломит, Кальцит, Кварц.

GOZGAN: YESTERDAY, TODAY AND TOMORROW

Rakhmatov Yusupjon

Sobirova Munisa

Abstract: The article discusses the geographical location, character, organization of the city of Gozgan and the creation of an industrial city with infrastructure in the region, the development of short-term plans for the integrated development of the region.

Keywords: Marble, Granite, Iron, Dike, Exploration, Diabase, Dolomite, Calcite, Quartz.

Ғозғон аҳоли пункти сифатида 1930-йилларда мармарнинг кучли конлари фаол равишда ўзлаштирила бошлаган даврда пайдо бўлган. 1975-йилда шаҳарча мақомини олган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Навоий вилояти Нурота тумани Ғозғон шаҳарчасини Ғозғон шаҳри этиб ўзгартириш, Ғозғон шаҳрини вилоят бўйсунувдаги шаҳарлар туркумига киритиш ҳамда Навоий вилояти Нурота тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида» 2019 йил 2 майдаги 2491-III-сон қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Навоий вилояти Нурота тумани Ғозғон шаҳарчасини Ғозғон шаҳри этиб ўзгартириш, Ғозғон шаҳрини вилоят бўйсунувдаги шаҳарлар туркумига киритиш ҳамда Навоий вилояти Нурота

тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида» 2019 йил 2 майдаги СҚ-419-Ш-сон қарорига мувофиқ Навоий вилояти бўйсунувдаги Ғозғон шаҳри ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 сентябрдаги 584-сон қарори билан Ғозғон шаҳри ҳокимлиги ташил этилди.

Ғозғон Нурота шаҳридан 10 км ғарбда, Навоий шаҳридан 90 км узоқликда, Қизилқум чўли чеккасида, Нуратов тоғларининг ғарбий этагида жойлашган.

Навоий вилояти Нурота туманидаги Ғозғон шаҳридан қазиб олинган ноёб декоратив хусусиятли мармар кон бўлиб, Нурота тизмасининг ғарбий чеккасидаги Ғозғонтоғ тизмасида жойлашган. Ғозғонтоғ тоғлари узунлиги-40 км, эни 1-6 км гача бўлган, шимолий-ғарбий йўналишда чўзилган кичик антиклиналь бурмадан иборат. Унинг ядроси геологик жиҳатдан Нурота батолитининг шимолий-ғарбий чеккасидаги интрузив (гранитоид) жинсларидан, қанотлари эса палеозойнинг чўкинди-метаморфик жинсларидан таркиб топган.

Кесимнинг асосида сланецконгломератли қалин қатлам ётади ва бу қатлам пастдан юқорига қараб олтига горизонтга бўлинади. Бу горизонтларнинг умумий қалинлиги 950-1100 м бўлиб, гранит-аплитли ва диабазли дайкалар ёриб чиққан турли рангдаги мармарлардан таркиб топган. Бешинчи горизонт маҳсулдор ҳисобланади ва унинг қалинлиги 50-220 м, ётиш бурчаги 40°. Бу горизонт Каш-Каш-Янги майдонида жойлашган, у ерда саноат асосида мармар қазиб чиқариш 1935 йилда бошланган.

Конда бешта майдон геологик разведка қилинган. Ғозғон мармарининг физик-механик хусусиятлари: зичлиги-2,6 г/см³, ғоваклилиги 0,8%, сув сингдириши 0,3%, қисилишга мустаҳкамлик чегараси 110-160 МПа, емирилиши 0,28 г/см³. Мармар майда донали, текис кристалли, зич, чиннисимон (баъзан ғовакли синиқ билан), ўрта қатламлидан қалин ва йирик қатламлигача. Баъзи қатламлар 0,2-0,5 дан 1 м гача ёки ундан ҳам ортиқ. Мармар кальцит (85-90%), доломит (10-15%), кварц (2-3%) доналаридан таркиб топган.

Аралашмалари-мусковит тангачалари, лей-коксен, пиритнинг майда доналаридан иборат. Қазиб олинган мармарнинг баъзи блоклари кўндалангига 0,5-1,0 дан 2 м гача, гоҳо ундан ортиқ бўлади. Ранги ҳар хил. тўқ кулранг ва тутун рангдан пуштигача, оч сариқ, яшил, баъзан оқ, жами 35 хилдан ортиқ рангга эга. Ранглар нотекис тақсимланган, йўл-йўл кўринишда. Асосий ранги беш хил: оқ (12%), пушти (14,5%), сариқ (0,5%), тутун рангли (54%) ва йўл-йўл тўқ кулранг бўлади. Рангларининг даражасига кўра икки типдаги мармар мавжуд: оч ва тўқ рангли мармар қатламлари орасида оч ранглилар 78% ни, кулрангли эса 22% ни ташкил қилади. Конда қатлам бўйича тик ва диагональ дарзликлар системаси мавжуд. Мармарни аралаш

табiiй қатламлар бўйлаб амалга оширилади. Чиқиндисидан мраммар майдаси, куйма тош ва кум ишлаб чиқарилади.

Ғозғон мраммари нисбатан мўрт, яхши силлиқланади, ойнасимон акс беради, юқори даражада декоратив. Улардан биноларнинг ички ва ташқи томонларини қоплашда ҳамда электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Ҳозирда шаҳар худуди 0,59 минг км²(2022-йил, 1-январ ҳолатига), аҳолиси 7242 киши (2020-йил), 8,8 минг киши (2021-йил), 8,9 минг киши (2022-йил 1-январ ҳолатига). Аҳолисининг миллий таркиби ўзбеклардан ва тожиклардан иборат. Асосий транспорт тури автомобил бўлиб келгусида темир йул тармоғи қурилиши режалаштирилган.

Ғозғон шаҳри темир йўл тармоғидан (Бухоро-Самарқанд) 70-80, автойўлдан (Навоий-Нурота) 20 километр четда жойлашган. Мраммарнинг харсанг кўринишда етказилиши ишлаб чиқарувчидан унинг нархини йул харажати учун 20-30 фоизгача чегиришни тақозо этарди.



1-расм. Ғозғон шаҳри кўриниши

Призентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг ноябр ойида Навоий вилоятига ташрифи чоғида Ғозғонда мраммар ва гранитга асосланган қурилиш материаллари саноати базасини ташкил этиш, юқори инфратизимга эга саноат шаҳрига асос солиш, худудни комплекс ривожлантиришнинг яқин истиқболдаги режасини ишлаб чиқиш ғоясини илгари сурди, ушбу ғояга биноан, худудни ривожлантириш бўйича улкан режаларни баён этаркан, Ғозғон мраммари асосида тошга ишлов беришнинг йирик қурилиш материаллари саноати мажмуасига асос солиш ва ривожлантириш имкониятларига эътибор қаратди. Харсангидан ушоғигача ноёб қурилиш ашёси бўлган бу мраммар халқимизнинг наинки моддий, балки маънавий

бойлиги эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ҳозирда мрамари қадимдан маълум бўлиб, Самарқанд ва Бухородаги масжид-биноларни қуриш ҳамда безашда ишлатилган.

Ҳозирда мрамари ҳақида гап кетса, ҳозирда Ҳозирда мрамар конининг мрамари Москванинг 20 дан ортиқ метро станциясини, вокзалларини, Останкно телеминорасининг ички қисмини ҳамда Прага, Санкт-Петербург, Киев, Ульяновск, Боку, Новосибирск, Олмаота шаҳарларидаги иншоотларни безаб турибди. Тошкент метрополитени бекатлари, Ситораи Моҳи Хоса мажмуаси, Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг ички ва ташқи томонларини безашда ва 1966 йилдаги зилзиладан кейин қурилган деярли барча меъморлик иншоотларида Ҳозирда мрамаридан фойдаланилган. Бундан ташқари яна ўнлаб муаззам иншоотлар кўз ўнгимизга келади. Ҳозирдаги ўнинчи асрга тегишли ёдгорлик Шохимардон мақбараси эса худуд мрамари мустаҳкамлиги ҳамда қурилиш ва меъморчиликдаги ишловбоплиги нақадар кенглигининг ёрқин ифодасидир. Мажмуа Марказий Осиёда Мавритания усулида қурилган илк меъморчилик обидалардан бири ҳисобланади. Улкан мрамар устинларга мутаносиб равишда терилган равоқ ва пештоқлар аждоқларимиз математика, геометрия, кимё ҳамда физика каби фанларнинг нақадар билимдони бўлгани ва улардан меъморчиликда зарғарона фойдаланиганидан далолатдир.

Шунингдек мрамарни бир-бирига бириктириш учун улар «жинчкон» дея аталувчи таркиби мрамар унсурларидан иборат бириктирувчи қоришманинг ноёб турини қўллашгани тошдан хом-ашё сифатида фойдаланиш кўламини янада кенгайтиради. Ҳозирда мрамари тўқ кулранг, тутунранг, кўкимтир, қизғиш, оч қизғиш ва баъзи-баъзида нафис оқ ранглардан иборат ўзининг рангдорлиги билан ажралиб туради. Энг муҳим, совуқ ҳамда иссиққа чидамли, юз йилгача ҳам сифатини йўқотмайди.

Таркибида темир моддаси камлиги сабаб зангламайди ва ёрилмайди. Ҳозирда мрамари-табиатнинг бебаҳо неъматини, дейди ҳунармандлар. Турфа ранглар жилоси, ишлов учун қулайлиги унинг алоҳида хусусиятларидан саналади. Қимматли сифатларидан яна бири ўта иссиққа ва намга чидамли эканлигидир. Шу билан бирга, фавқулодда «юмшоқ» ҳамки, нозик нақшларни туширишда дарз кетмайди, синиб, учмайди. Албатта, бунда ҳар бир ишга мос мрамар танланиши лозим.

Ҳунармандлар тили билан айтганда ҳалқимизнинг буюк фарзандлари Алишер Навоий ҳамда Камолиддин Беҳзод мақбараларини реставрация қилишда мазкур икки улуғ сиймо қабрининг тошлари ва безакларида ўша давр руҳи ўз аксини топиши талаб этиларди. Шу боис ҳунармандлар жамоаси

билан юзлаб вариантларни кўриб чиқиб, улар орасидан энг мақбулини танлашган ва ишнинг натижаси барчага манзур бўлган.

Ҳозирги шаҳри худуди катта имкониятларга эга. Бугунги кунда фойдаланмасдан турган 31,0 миллион метр куб мармар ва 104,1 миллион метр куб гранит конларида камида 150 йилга етадиган захира мавжудлиги аниқланган. Бундан ташқари, ҳали аниқланмаган табиий бойликларнинг тури ва ҳажми ўрганилса, ушбу рақамлар салмоғи янада ортиши табиий. Шу нуқтаи назардан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги «2019-2021 йилларда Навоий вилоятининг Ҳозирги шаҳрини мажмуали ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори қабул қилиниб, ижрога қаратилди([4]).

Дастурга мувофиқ, саноат соҳоларни ривожлантириш «Мармаробод» МЧЖ кластерининг асосий бўғини, яъни табиий тошлар қазиб олиб, қайта ишловчиларни зарур хом-ашё билан таъминловчи корхона этиб белгиланди. 2019-2020 ва 2020-2021 йилларга мўлжалланган икки босқичли, жами 64 лойиҳадан иборат инвестицион режалар мажмуи тасдиқланди([5]). Унга кўра, мармар ҳамда гранит қазиб олиш ҳажми қарийб тўрт марта, қайта ишлаш ҳажми эса беш барабарга оширилиши режалаштирилган. Шу асосида «Gazgan stone», «Gazgan stone invest», «Granit industry technology», «Kamalak stone», «Nurota mramor industry», «Maston industry», «Yashnarbek charosxon», «Уста зикриё», «Ниёзали», «Ишонч гилам», «Мирзо шохрух», «Файзи жўра» каби жами 14 та МЧЖ томонидан биринчи босқичда 52 миллион, иккинчи босқичда 145 миллион АҚШ доллари миқдордаги инвестицион лойиҳаларни ишга тушуриш тасдиқланди([1]). Миллий банкнинг 4 миллион долларлик имтиёзли маблағлари ҳисобига Хитой давлатидан замонавий усканалар келтирилиб, Хитой мутахассислар иштирокида ишлаб чиқаришга муваффақиятли мослаштирилди. Бундан ташқари, МЧЖ худудида майдони 11 минг квадрат метр бўлган асосий бино ва яна ўн та кичик лойиҳа бинолари қурилиши яқунланди. Ушбу биноларга ускуналар имтиёзли кредитлар асосида келтирилиб, лойиҳа ишга тушгач улар 10 та маҳаллий тадбиркорларга тайёр бизнес сифатида сотиш режалаштирилган. Ҳозирги шаҳри нафақат кон саноати корхоналарини ривожлантириш, балки хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда 100 ўринлик тикувчилик фабрикаси қуриб фойдаланишга топширилди ва айни пайтгача 550 минг долларлик маҳсулотлар экспортга чиқарилди. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари топшириқлари асосида қабул қилинган қарорлар ижросининг тўлиқ таъминланиши Ҳозиргида 10 мингта иш ўрин яратиш имконини беради.

Бугунги кунда шаҳар аҳолиси салкам саккиз ярим минг кишини ташкил этишини инобатга олсак, яқин келажакда Ҳозирги меҳнат ресурслари жалб

этувчи хуудга айланиши мукаррар. Албатта, мазкур омил шаҳардаги 1,6 мингдан зиёд хонадонларда истиқомат қилувчи 2,4 оиланинг яшаш шароитларини яхшилаш, эртанги кунга ишончини мустаҳамлашда муҳим асос бўлмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки юртимизнинг бой тарихга эга бўлган Ғозгон шаҳри географик жihatдан Ўзбекистоннинг марказида жойлашган бўлиб, кишлок ва маҳаллалар янада ободонлашиб, шаҳарлар янада кўркамлашиб бораётган бир шароитда уларнинг ўтмиш тарихи ва маданиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналаримизни янги жамят қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак»([1]).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Халқ сўзи, Тошкент, 2020 йил, 24 ноябрь №247(7749) 1-4 бетлар.
2. Нуротой С.М. Ғозгон-мармаристон пойтахти, «Муҳаррир нашриёти», Тошкент.: -2021, 190 бет.
3. Навоий вилояти Ғозгон шаҳрига Президент ташрифи, Навоий, 2016 йил, ноябрь
4. 2019-2021 йилларда Навоий вилоятининг Ғозгон шаҳрини комплекс ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори- Тошкент, 2019 йил, 22 июль.
5. Навоий вилояти таркибида Ғозгон шаҳар ҳокимлигини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори- Тошкент, 2020 йил, 24 сентябрь.